

Умму Салама розияллоҳу анҳонинг танбеҳи



08:00 / 20.01.2021 2935

Имом Ибн Абу Шайба Амр ибн Саъид ибн Ҳусайндан ривоят қилади: «Онам менга отамдан хабар бердилар. Отам шундай деганлар: «Ёш йигит эдим. Бир куни Умму Салама розияллоҳу анҳонинг ҳузурларига кирдим. Тилла узугим бор эди. Умму Салама розияллоҳу анҳо бир қизга: «Ҳой қиз, уни менга олиб бер», дедилар. Мен узукни қизга бердим. Умму Салама унга: «Узукни унинг оиласига олиб бор. (Ўрнига) кумушдан узук ясаб бер», дедилар. «Оиламнинг унга эҳтиёжи йўқ», дедим. Умму Салама розияллоҳу анҳо қизга: «Уни садақа қилиб, кумушдан узук ясаб бер», дедилар».

«Солиҳлар гулшани» китобидан